



ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

4 декабр куни Андижон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаевнинг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ва Марказий Осиё давлатлари иқтисодий ҳамкорлигини янада тараққий эттириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ФРАНЦИЯДАН ХУШҲАБАР

Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги элчихонасидан хабар қилинишича, Парижда Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан таништириш маросими зўр муваффақият билан ўтди.

Республикамизнинг Париждаги элчихонасида шу воқеага бағишланган учрашувга таниқли сиёсат арбоблари, кўзга қурунган олимлар, ижодкор зиёлилар вакиллари, журналистлар келишди.

МЕҲРИБОНЛИК

Хотин-қизлар кумитаси ва республика Болалар жамғармаси Наманган вилоят бўлимлари ходимлари ногиронлар учун олтишта аравача сотиб олди.

Ногиронлар учун аравачаларни харид қилишга деярли 650 минг сўм пулни «Маҳалла» республика хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, шунингдек, вилоят электр алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси ҳамда нефт маҳсулотлари билан таъминлаш ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат жамоалари ажратди.

МУСАВВИР ЮБИЛЕЙ

1 декабр куни Ҳамза номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида Камолитдин Бехзод таваллудининг 540 йиллигига бағишлаб илмий-назарий конференция ўтказилди. Унда санъатшунослар, тарихчилар, рассомлар, наққошлар, жамоатчилик вакиллари ва қўшни давлатлардан келган меҳмонлар иштирок этди.

АНЖУМАН

3 декабр бутун дунё миқёсида ногиронларни ҳимоя қилиш куни деб эътироф этилган. Шу муносабат билан 1 декабр куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Халқаро ногиронлар кўнига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда ногиронлар, қарлар ва қўзи оғизлар жамиятлари аъзолари ва бир қанча қорхона ва жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Анжуманда республика ижтимоий таъминот вазири Б. Умурсоқов қатнашди.

ЎЗА ва матбуот хабарлари асосида тайёрланди

УШБУ СОНДА:
 3-бет
 Честерфилд: «Ўғлимга мактублар»
 4-бет
 Уйғоқ қалб манзаралари
 7-бет
 Франтс Кафка: «Барчаси ёлғизлик самараси»

63-модда. Оила жамиятнинг асосий бўлинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга.

Никох томонларининг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади.

(«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»дан).



• Туркистон бир — Ватан бир

МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

БМТ Бош котибининг махсус вакили Рамиро Пирис Баллон ҳамда Россия, Қирғизистон, Ўзбекистон, Қозоғистон, Эрон ва Афғонистон вакиллари кузатувида Тожикистон ҳукумати билан муҳолифат ўртасидаги музокараларнинг бешинчи босқичи биринчи қисмини Ашхобод қабул қилди. Ҳукумат делегацияси раҳбари, Тожикистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Маҳмадсаид Убайдуллаев томонлар узаро тил топишмагунларича музокаралар давом этажигани билдириди.

УЛАРНИ ГАЗ БИРЛАШТИРДИ

Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязов ва Россиядаги йирик ҳиссасдорлик жамияти — «Газпром» бошқаруви раиси Рем Вахриев 1996 йилда узаро ҳамкорлик қилиш ва «Туркманроsgаз» қўша ҳиссасдорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. «Туркманроsgаз» келаси йили Туркменистон газини Россия орқали Украина ва Кавказорти давлатларига етказиб бериш мажбуриятини олади.

ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ МУАММОЛАРИ

Қирғизистондаги 14 та енгил ва озиқ-овқат саноати

корхоналарига бюджетдан 18,6 миллион сом қарз беришга қарор қилинди. Узаро ҳисоб-китобларнинг вақтида амалга оширилмаслиги туфайли кўпгина корхоналарнинг ҳисоб рақамиди маблаг йўқ. Бу эса ишлаб чиқариш суръатларига салбий таъсир этмоқда. Шундай вазиятда ҳукумат уларга ёрдам қўлини чўзишга жазм этди.

ҲИСОБЛИ ДЎСТ АЙРИЛМАС

Туркманбоши Сапармурот Ниязов «Туркменистонда кўнгилчор уйинлар соҳасини давлат лицензиясидан ўтказиш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди. Унга қўра, казино, отчопар, биллиардхона, уйин автоматлари заллари ва бошқа турдаги кўнгилчор уйинлар уйларининг эгалари 1996 йилнинг 1 январига «Туркмансаёҳат» давлат сайёҳлик корпорациясига ариза беришлари керак. Лицензия беришдан тушадиган йиғимнинг (у катта миқдорни ташкил этиши мўлжалланган) 50 фоизи давлат бюджетига, қолганини эса мамлакатда сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга сарфлаш режалаштирилган.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмонов билан учрашуви чоғида бу икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди. Нурсултон Назарбаев иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Қозоғистон жафокаш тоjik халқига моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзишга ҳар доим тайёр эканлигини изҳор қилди.

ЛОЙИҲА ТАЙЁР, НАВБАТ ИШГА

Норвегиянинг «ПЕТЕК» фирмаси Қирғизистонда нефть ва газ захираларини излаб топиш ҳамда ишга тушириш борасида уз лойиҳаларини Жаҳон банкига тақдим этди. Бу лойиҳани амалга ошириш учун банк фирмага бир миллион доллар ажратишни режалаштирган.



1. Бола туғилган заҳотиёқ унда бешта сезги — қуриш, ҳид билиш, эшитиш, таъм билиш, ҳис қилиш туйғуларини фаолият курсата бош-

лаб, атроф-муҳитни аста-секин била боради. Гудак атрофдагиларнинг кучиши, эркалашига ва таниш овозларини эшитишга эҳтиёжманд бўлади. У узи учун мутлақо янги ва қизиқ бўлган буюмларни, уйинчоқларни қуриши ва ҳатто қўлига олиб уйнаши лозим. Бу боланинг ақлий ривожланишидаги илк босқичлардан саналади. Агарда қақалоқ уз вақтида уйнаса, овқатлантирилса, эҳтиёжлари қондирилса, билингки у ақлан ва жисмонан камол топаётган бўлади.

2. Боланинг уйнаётган уйинлари уни хушнуд этади. Аммо ана шу уйинлар орқали у камолот пилла-полярига қадам қўя бошлашини унутмаслик керак. Чунки гудак уйинчоқлар орқали ижтимоий ҳаётни идрок эта бошлайди. Қолаверса, уйинлар ва уйинчоқлар уни дунёни билиш, ўзига ишонч ва мустақилликка ўрганиш руҳида тарбиялай боради. Бу ўринда ота-она боласининг хоҳиш ва истаклари билан ўртоқлашиши муҳим. Аммо боланинг уйинларини назорат қилиш ва унга ҳадеб ўргатавериш тавсия қилинмайди. Уйин жараёнида бола эркин ҳаракат қилиб, фикрлаб, ўйлаб, ғиришқоқлик билан иш-

юритсагина унда ривожланиш бўлиши мумкин.

Атрофда кузатганларини бола эркин тарзда ўзи қилишга интилади, ота-онанинг сабри чидамайди. Агарда бу болага хавф-хатар солмайдиган ҳатти-ҳаракат бўлса, ўзининг қизиқишларига қўйиб бериш керак. Акс ҳолда ёш навнихолни журъатсиз қилиб қўясиз.

Шунингдек, болалар беғоналарнинг, катталарнинг кийимларини кийиб, уларнинг образларини яратишга қизиқишади. Масалан ота, она, ўқитувчи, шифокорга ўхшамоқчи бўлишади. Мана шу қизиқиш ҳам ундаги дунёқарашнинг шаклланишига ёрдам беришини инобатга олиб, ҳалал бермаслик керак.

Бола гоҳида катталар билан, гоҳида эса ёлғиз ўзи уйнашни хоҳлайди. Шунинг унутмаслик кераки, унинг тенгдошлари даврасида бўлиши ва улар билан кўпроқ уйнаши талаффузнинг раво бўла боришини таъминлаб, гапиришга ва тиниқ фикрлашга ўргана бошлайди.

3. Боланинг ҳатти-ҳаракати, характери яқин атрофдагиларнинг муомаласи, ўзини тутишига қараб мослаша боради. Чунки уйидагиларнинг, яқинларининг ҳар бир ҳаракати, муомаласи унинг ўша руҳда тарбия топишига сабаб бўлади.

4. Кичик ёшдаги болалар тез аразлайди, қўрқади ва йиғлайди. Гоҳида беғоналардан ёки қоронғуликдан қўчиб йиғлашса, гоҳида арзимаган нарсалар учун инжиқлик қилиб йиғлашади. Баъзида эса қиллолмайдиган ишини қилмоқчи бўлиб хархаша қилади. Ота-она-

• Буни ҳар бир оила билиши керак

АҚЛИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛЛИК

лар бола эмоциясини ўрганиб, уни тўғри таҳлил этиши керак. Агарда боланинг йиги, қўрқув, хархашасига жавобан мазах қила ёки жазолаб борилса, бола катта бўлганда ўз эмоциясини жилваб ололмай қолади.

Гудак йиғиси атрофдагиларга ўзининг аҳволи ҳақида етказувчи ягона сигналдир. 2-3 ҳафталик гудакларнинг айримлари жуда йиғлоқи бўлиб, уларни овутиш қийин кечади. Бундай ҳол 3 ойгача давом этиши мумкин. Агар болангиз меъёрида озиқланиб, ривожланаётган бўлса, бундай йиғлоқлик унга зарар етказмайди.

5. Болалар катталарнинг қўлаб-қувватлашларига эҳтиёжманд бўладилар. Болани айби учун ҳадеб жисмонан жазолаш унинг ўсишда салбий таъсир курсатиши мумкин. Бундай тарбия тогган болалар атроф-муҳитга агрессив ва калтафаҳмлик билан муносабатда бўлишни ўрганади. Тарбиянинг бу услуби эса болани ҳаддан ташқари журъатсиз, қўрқоқ қилиб қўяди.

6. Боланинг мактабда яхши таълим олиши ва билимларни кўн билан ўзлаштириши, ота-онанинг унга биринчи йилдаёқ бера бошлаган тарбиясида таъминланади. Аникроги, боланинг ёшлигиде эркин уйнаши, фикрлашга имконият яратиб берган ота-она унинг ақлан ривожланишини таъминлаган бўлади.

7. Фарзандининг маромида ривожланиб, камолотга етиши ҳар бир ота-онанинг диққат марказида туради.

Маълумки, 2 ойлик болада бошини эркин тута олиши, чалқан-

часига ётиб, уйинчоқларни уйнай билиши ва онасининг овозига дарҳол бош буриши кузатилади. 3 ойлигидан эса у ёнбошдан бу ёнбошга ағдарилганини, қўл ва оёқларини ҳаракатлантирган ҳолда ликиллатишни, қиқирлаб қулишни ўргана бошлайди. Олти ойлигида уйинчоқларни ўшлаб, тек утиришни, қошиқда овқатланиш ва чайнашни ўрганади. Бир яшар бўлган бола аста-секин юришни бошлайди. 2-3 та сўзни бемалол талаффуз қила олади. Икки яшарлигида ўрганган сузларидан гап туза бошлайди. Таниш одамларни ва буюмларни ажрата олади. Бошқалар айтган сузларни такрорлайди. Ўзи бемалол овқатлана бошлайди. Уч яшарлигида икки оёғида сакраш, суратлар чиқиш, шеърларни, ҳикояларни такрорлашни ёқтиради. Тўрт яшарлигидан уйинлар уйнайди. Кўп саволлар беради ва ўзи ҳам оддий саволларга жавоб бера бошлайди. Юз-қўлларини ўзи ювиб, олтига асосий рангни ажрата олади. Беш ёшга етган бола сузларни равоан талаффуз қилиб, бошқаларнинг кўмагисиз кийинлади. Бирдан ўнгача сонларни айта олади.

Ота-оналарга боласининг вазни, бўйини ўлчаш билан бирга 1,5 ёшгача, бошини айланасига ўлчаш тавсия қилинади. Чунки бош айланасининг улчани ривожланиш меъёрига алоқаси бор. Улчамнинг ёшга нисбатан қанақа бўлишини мутахассис шифокордан билиб олса бўлади.

• Муассисларимиз ҳаётидан

ХАЙРЛИ ИШЛАР

«Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 1-урта ва 2-урта мактаблар ва 12-болалар комбинатига биринчи тиббий ердам учун асқотадиган икки минг сўмлик дори-дармон топширди.

Жамғарма хайр-эҳсон пулларига қўз тикиб яшаш, ишлашдек ночор услубдан воз кечди. Чунки агар ўзингда бўлмаса, бировнинг бергани ҳеч нарс бўлмас экан. Дарвоқе, бу гапларни ўзимдан тукиб айтатганим йўқ. Бу гаплар жамғарма вилоят бўлими раиси Тошмурод Қобиловнинг гапларидир.

— Шу қўнларда бир ишдан хурсанд бўлиб юрибмиз,— дейди раис,— Термиз шаҳрида «Меҳрибон», Денов шаҳрида «Истиқлол», Ангор туманида «Авлод», Шеробод туманида «Фидойи» деб номланган савдо-сотик, хайрия-ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этдик ва ишга туширдик. Бу корхоналар ишлаб топилган фойданинг ўттиз фоизини жамғармамиз ҳисобига ўтказди, ўн фоиз фойда эса хайрия ишларига сарфланади.

М. АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

• Сурхон томонларда

СУРХОН ТАРАФЛАРГА ПОЕЗДЛАР ЕЛАР...

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзур — Бойсун — Қўмқўрғон янги темир йўли линиясини лойиҳалаштириш ва қўриш масалалари тўғрисида» махсус қарор қабул қилган эди. Шу қўнларда қўрувчи-лар катта қўламдаги ишни бошлаб юборишди. Янги темир йўлининг узунлиги Ўзурдан Қўмқўрғонгача 223 километр бўлади. Ана шу

масофанинг 115 километри Сурхон ҳудудидан ўтади.

ИККИНЧИ БОСҚИЧ ЯҚУНЛАНДИ

Шу йилнинг март ойида «Мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги» қўриқ-танловини эълон қилишдан эди. Шунга биноан 1- ва 2-бос-

Бу ажиб дунё

ТЕКИН БУПСА...

Ишқ-муҳаббат, севги ҳомийси ҳисобланган муқаддас Валентин куни — 14 феврални Франциядаги Лес Анделис шаҳарчасида шоду хуррамлик билан нишонлайдилар. Шу куни шаҳардаги бассейн қандолат компанияси томонидан суяқ шоколад билан тўлдирилади. Катталару болалар ҳар ким таъби кўтарганича бу беғул ширинликдан тотинадилар. Табиийки, кун адоғига бориб бассейн бўшаб қолади.

кичлар туманларда, шаҳарларда ва вилоятларда ўтиши керак эди. Яқинда Сурхондарёда 2-босқич натижалари қўриб чиқилди. Қўриқ-танловда 10 та маҳалла ва 11 та мактаб иштирок этди. Булардан Термиз туманидаги Мангузар маҳалласи (оқсоқоли Исмоил Хоналиев), Т. Норабиев номи ва А. Навоий номи урта мактаблар 1-урини эгаллади ҳамда 1500 сўмдан пул мукофоти билан тақдирланди. 2-урини Шўрчи туманидаги «Совжирон бобо» маҳалласи (оқсоқоли Ёқубжон Абдурашидов), Муқимий номи таянч мактаби бўлиб киритилди ва 1000 сўмдан пул мукофоти сазовор бўлди. Жарқўрғон туманидаги «Қўлдоғли» маҳалласи (оқсоқоли Қўлоқ Қўрбонов), Имом Термизий номи мактаб ва Термиз шаҳридаги Раъно Узоқова номи маҳалла (оқсоқоли Тошмуҳаммад Расулов), Х. Олимжон номи урта мактаб 3-уринга лойиқ деб топилди. Шунингдек қўриқ-танловда фаол иштирок этган қатор маҳалла, мактаблар ҳам рағбатлантирувчи мукофотларни олишди. Биринчи ўринни олган Мангузар маҳалласи Республика қўриқ-танловда иштирок этадиган бўлди.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

XXXI

Бат, 1748 йил 19 октябрь

Жондан азиз боложоним!

Сунги мактубимда сенга қайси жамоага қўшилиш ва унда ўзингни қандай тутишинг лозимлиги тўғрисида маслаҳатлар берган эдим. Бу маслаҳатлар кўп йиллик тажрибам ва ҳулосаларим мевасидир. Илгари булар ҳусусида онда-сонда сўзлаган бўлсам, энди изчил, пишиқ-пухта тушунтиришмоқчиман. Жисмоний баркамолликка эришиш, ҳушқомат эгаси бўлиш ҳақида тўхталиб ўтирмайман. Бу борада рақс муаллими билан ҳамкорликда яхши натижаларга эришадиганингдан хабардорман.

Сен ҳамиша даврадаги суҳбатни қўллаб тургани, аммо, атрофдагиларни зерикитиб қўймаслик учун гапни чуқурлаштираман. Суҳбатга керак бўлган пайтида аралаш, шунда ҳам фикрингни лунда ва аниқ ифода, ҳикояда ортиқча, кераксиз тафсилотларга берилма. Гапирётганингда суҳбатдошинг эътиборини ўзингга жалб этиш учун қўлидан ёки туммасидан тортишга ургаман. Агар ҳамроҳинг сени тинглашни истамаётган бўлса, уни туртиклаганидан кура яхшиси тилингни тийганинг маъқул.

Сергап киши даврада утирганда ҳам эзмалик қилиб ёнидаги одамнинг жонига тегади. Ваҳоланки, даврада икки-уч кишининг ўзаро шивирлашиб ўтириши одобсизлик ҳисобланади. Бироқ ана шундай вайсакларга дучор бўлиб қолсанг, уни чидам билан эшитишга ҳаркат қил (ёки ўзингни диққат билан тинглаётгандек қилиб қурсат), зеро, инсон авваламбор ўзини сабртоқат билан тинглаётган кишидан беҳад миннатдор бўлади, агар унинг гапни чала қолдириб ташлаб кетсанг ёки эсанг қўтаётганлигини билдириб қўйсанг, у кимса сенидан қаттиқ ранжийди.

Ўзингга яқин мавзудан гап очиб даврадагиларни оғзингга қаратгандан кура, ўртадаги суҳбатга қўшилганинг маъқул. Агар сенда заррача қобилят бўлса, суҳбат қандай мав-

зуда бормасин, унга бемалол қўшилиб кета оласан. Одамларни қизқитира ололмасанг, яхшиси суҳбатни бузмай қўя қол.

Хотин-қизлар аралашган даврада иложи борича мунозараю баҳс-лашуларга аралашма. Мунозарада нималарнидир исботлаш керак бўлади, баҳслар одатда оқойишта кечсада, аслида томонларни бир-бирига қарши қилиб қўяди. Агар мусохаба қизиқ, овозлар кўтарилаётган бўлса, дарров суҳбатни бошқа мавзуга йўналтир ёки ҳазил-мўтойбага айлантир.

Доимо, имкони борича ўзинг ҳаққингда гапирмасликка ҳаракат қил. Инсоннинг гурури ва шухратпараст-

ки гийбат масаласига ҳам ўғирликка бўлгандай муносабат билдирилади. Ўғирлиқни яширган ҳам ўғрига шерик бўлганидек, гийбатни тинлаган ҳам гийбатчига шерикдир.

Бировни калака қилиш тубан ва пасткаш одамлар орасида тарқалган энг бемаъни қилиқдир. Сендан ўтинман, ҳеч қачон бировларни масҳара қилма, ўзингни ҳам калака қилдириб қўйма. Масҳара қилинган одам, ўзини ранжитган дилозорни ҳеч қачон кечирмайди, буни ҳамиша ёдингда тут.

Турли одамлар билан турлича гаплашиш лозимлиги ҳақида сенга эслатмасам ҳам бўлади. Назаримда, сен вазиру фўхоний, файласуфу ҳар-

ши улфат дейиш қийин. Улар ё факирлар, ёки юмшоқроқ қилиб айтганда тарбиясиз кишилар тудасидир. Қасамхўрлик — одобсизликка эмас, балки бемаъниликнинг ўзгинасидир. Зеро одамлар сенга ишонмасалар, унда минг бор онт ичгандан наф йўқ.

Гуррос қаҳ-қаҳа — қандайдир бемаъниликдан ҳузур қилаётган оломоннинг эрмагидир. Зотан ҳақиқий соғлом фикр олам яралгандан бери ҳеч кимга кулгули туюлмаган. Шу боисдан ҳам эътиборли давраларда бўладиган одам жилмаяди, назокат билан қулади, аммо ҳеч қачон қаҳ-қаҳа отмайди.

Мактубим сўнигда сени жиддий оғохлантириб қўймоқчиман. Агар сен жамоа орасида ўзингни тутишни, қиёфанг, сўзлаш оҳангингни тартибга сололмас экансан, мен айтган насиҳатларга қанчалик амал қилмагин, уларнинг нафи бўлмайди. Сен бировга ҳушомад қилаётиб, юзингда ёки сўзингда киноя аломатлари зоҳир бўлса, суҳбатдошинг гапларинг сохталлигини дарров пайқайди. Билиб қўй, ташки қиёфанг, хатти-ҳаракатларинг беушвор бўлса, қанчалик ақли расо бўлсанг ҳам одамлар муҳаббатига сазовор бўлолмайсан. Сени ақли киши сифатида ҳурмат қилишди, ҳолос. Бундай вазиятда муваффақиятларга эришиш анча мушкул ишдир. Қадимгилар Венеранинг биройли хатти-ҳаракатлари ҳақида қўшиқлар куйлаганлар, Гораццийнинг таъкидлашича ҳатто санъат ва нотиклик ҳомийлари Ювент ва Меркурий каби худолар ҳаракатлари бениҳоя гўзал бўлишига аҳамият беришган. Хайр!

(Давоми бор)



ЧЕСТЕРФИЛД

лиги ҳамиша белги бериб туради, ҳатто энг буюк одамлар ҳам ўзлари сезмаган ҳолда турли йўллар билан шахсиятларини улуглашга интилади. Баъзилар ҳеч қандай баҳонаю сабабсиз ўз қилмишлари билан мактана бошлайдилар. Бундайлар уяту андишасиз одамлардир. Айримлар эса бу борада анча усталик билан иш қуришади, улар ўзлари устидан бўхтону тўхматлар бўлаётганидан қолишиб, буларнинг сохталлигини фойда қилиш учун бир қанча ижобий фазилатларини санаб ташлайдилар. Тўғри, тўхмат тошидан ўзини ҳимоя қилиш учун одам нималарга мажбур бўлмайди дейсан. Лекин, шунга ишончим қомилки, юқоридаги табак вакиллари адолатсизликка учрамасалар, ҳеч қачон ўз фазилатларидан гап очмайдилар. Менимча, ўзини ҳурмат қилган ҳар қандай одам ҳам худди шундай иш тутайди, деб ўйлайман. (...)

Гийбатга аралашма, ўзинг ҳам зинҳор бировни гийбат қилма. Чун-

бий ҳамда хотин-қизлар билан уларнинг лавозими, ёши, маънавияти ва қизиқишга қараб ҳар бирларига алоҳида-алоҳида муомала қилишни яхши биласан. Оқсуяклар даврасида юрадиган киши бўқаламун сингари тез-тез рангини ўзгартириб туриши айб эмас, зеро, бу ҳол ахлоққа эмас, кўпроқ муомала маданиятига тааллуқлидир.

Қасамхўрлик ҳақида икки оғиз эслатмоқчиман, ўйлайманки, шуну ўзи сенга етарли бўлади. Давраларда бир гапириб ўн бор онт ичадиган кишиларни учратган бўлсанг керак. Бундай одамлар бўлган даврани ях-



«Менга битта хат ёзиб беринг» — деб мурожаат қилибди.

— Ҳозир оёғим оғир турибди, — дебди унга ҳалиги одам.

— Бу нима деганингиз?

— Бу шу деганимки, — дебди унга ҳалиги одам, — менинг ёзганларимни ўзимдан бошқа одам ўқий олмайд.

9. Базознинг хотини ва ўғай қизи бор экан. Лекин она-бола тамоман қар эканлар. Бир кун базоз кучага чиқиб кетаятиб дўкуннинг қалитини уйда қолдирибди. Ярим йўлдан қайтиб борибди ва хотинидан қалитини сўрабди. Хотин эрим оч бўлса керак, деб ўчоқ бошига югурибди. Эринг жажли қикиб унга дағдага қилиб кетибди. Ўғай қиз эса, «базоз мени деб йўлдан қайтиб келди, онам билан уруш қиялпти, ҳозир уни қувиб юбориб менинг ёнимга келса керак», — деб ҳаёл қилди.

10. Бадавлат бир одам бир ҳалта олтинни гуломига тутқазди ва: «Довуд Тойга олиб бориб бер! Қабул қилгудай бўлса, мен сени тамоман озод қиламан» дебди. Гулом олтинни Довуд Тойга олиб борибди, лекин у олтинни олмади. Гулом: «Олақол, бу билан менинг озод бўлишимга ёрдам берган бўлсан», деб кўп ёлворди фойдаси бўлмади.

— Э, Гулом! — деди Довуд Той охири, — шу олтинларни қабул қилсам сенинг озод бўлишинга сабабчи бўлишимни тушунаман, лекин ўзимнинг қулга айланиб қолишимни ҳам яхши англаб туриб-

ман.

11. Хорун ар-Рашид имом Абу Юсуф ва вазири Яхъё Бармакий билан бирга кучадан ўтиб кетаётган эдилар, бир тўда дуч келдилар. Бориб қарасалар ҳалойиқ бир нуроний қарияни гир атрофидан ураб туришган эканлар. Халифа бу одамнинг қимлигини суриштиришни шериқларидан илтимос қилди. Шунда халифа отдан тушди ва ҳалиги одамнинг олдида бориб салом берди ва сўрашиш мақсадида қўлини узатди. Лекин қария халифага илтифот қурсатмади, қўлини ҳам олмади. Хорун ар-Рашид ҳижил бўлиб орқасига қайтди ва вазири Абу Юсуфдан сўради:

— Тақсир, у нега шу қадар кеккайиб кетган? Нима, бирон дунёси борми?

— Аксинча, унинг одамлардан юз минг динояр қарзи бор, — деб жавоб қилди унга Абу Юсуф.

Эртаси кун вазири унга юз минг динояр юборди, лекин у олмади ва дедики: «Вазир бўлса ҳам ҳиммати дарвеш ҳимматидан ортик эмасдир».

12. Бир одам ҳоҳатмандга ҳотамлик қилиб, уйига тақлиф қилибди. Лекин айтилган вақтда борса уйда йўқ экан. «Бозорга кетган» дейишибди. Орқасидан бозорга борса, бир қақа устида одамлар билан можаро қилиб турган экан. Буни кўриб учрашмасдан орқасига қайтибди ва ўз-ўзига дедики: «Бир қақа устида жон талашиб ётган одам қанақасига биронинг ҳоҳатини чиқариши мумкин?»

«АЖДОДЛАР ЎГИТИ» КИТОБИДАН ОЛИНДИ

• ЎГИТ

ТАМСИЛЛАР

1. Парвонага дедилар: «Нега шам теварагида гир айланганинг айланган. Ахир, қуйиб уласан-ку!»

Парвона жавоб қилди: «Қуйиб ўлишни ҳаётимнинг самараси деб биламан».

2. Қўнлардан бир кун Шайх Баҳлул Хорун ар-Рашиднинг ҳузурига борибди. Қараса, у чўқур уй-ҳавлга чумиб, бошини ушлаганча ер қизиб ўлтирган экан. Шайх бунинг сабабини сўраган экан, халифа: «дунёнинг бевафоллигини ўйлаб шундай ўтирган эдим», деб жавоб қилибди.

— Буни ўйлаб овора бўлиб нима қиласан, — дебди шайх унга, — ахир дунё-

да вафо бўлганда юртни сенинг қўлингга топшириб қўяремиди.

3. Хорун ар-Рашид кучадан ўтиб кетаятса Шайх Баҳлул икки одамнинг бош сўягини олдига қуйиб ўлтирган экан.

— Каллалар қимники? — деб сўради халифа.

— Бир менинг отамники, қай бири сенинг отангникилигини ажратолмай ўлтирибман, — дебди Шайх Баҳлул.

4. Бир одам табибга арз қилди: иштаҳам бўзилди. Кунда эрталаб, йўлдан турибқоқ йигирмата, пешинда ўттиз, ҳуфтонда ўнча, ҳаммаси бўлиб бир кунда олтимиш нон ердим. Шу кўнларда элликдан ортигини ёлмай қўлдим. Сиздан нажот истаб келдим.

— Тадбири шулки, — дебди унга табиб, — кунда эрталаб Сеистон унобидан икки манн ва икки манн ҳалияли нилуфарни уч манн оҳақка қўриб истеъмол қил.

5. Бир кимса табибга мурожаат қилди: қайси таомини емайин ҳазм бўлмайётибди, чорасини топиб берсангиз.

— Ундай бўлса ҳазм бўлмайдиганини топиб егин, — деди табиб унга.

6. Бир золим подшоҳ чулу биёбонларнинг қоқ ўртасида қушқ қуришга ҳазм қилибди. Унинг қурилишида эса ҳомилдор аёллардан бошқа ҳеч қимми ишлатмабди. Қўнлардан бир кун, айни иш қизган пайтда, ҳомилдор хотинлардан бири тугибди. Лекин, таажжубки, танаси одамга, боши бўлса итга ўхшаш бир маҳлук тугилибди.

7. Сеистонда бир муҳтасибнинг отаси оламдан кўз юмди. Уни гўрга қўяётганларида пишиқ гишт керак бўлиб қолди. Қанча изласалар ҳам яқин ораддан пишиқ гишт тополмабдилар. Шунда муҳтасиб гўрковга дебди: «Ҳоми ҳам бўлаверади, ҳаял ўтмай гўрда пишиб қолади».

8. Бир киши қишлоқда бир одамга:

Бу ажиб дунё

МЕЧКАЙЛИГИ УЧУН ҚАМОҚҚА

Америкалик Артур Жанкин ширинликлар истеъмол қилишни жуда яхши кўради. Шунинг учун бўлса керак, унинг оғирлиги 227 килограмми танқисла этаркан. Яқинда Училиш шаҳри суди Артур Жанкинни солиқларни тўлашда давлатни адоасанликка айблаб жиноий жавобгарликка тортишмоқчи бўлди. Адвокатни семазисли сабаб Жанкин ҳукми бажароламаслигини ваъж қилиб қўрсатди. Бунага жавобан суди унинг бир неча ўн кило оғирлигини тийин қилди ва бу жазони оқинди, полиция назоратида ушатишни тийинлади. Утган 4 ой мобайнида Жанкин 31 килограммга озди. Пачтажадан хабар топаган суди уни полиция назоратидан озод қилди. Бу имкониятдан фойдаланган А. Жанкин эса ана 35 килога семирди олд. Унинг бу қилигидан асвайиллашган суди Жанкинга 3 ойлик қамоқ жазосини тийинлади. Адвокатнинг Жанкинни семазисли ҳақидаги ваъжлари бу сафар эътиборсиз қолдирилди.

• Саховат маскани

УЙФОҚ ҚАЛБ МАНЗАРАЛАРИ

Одатда болалар боғчаси ёки мактаб биноси олдида утар экансиз ҳаёлигини болаларнинг шодон қийқириқлари бўлиб юборади. Бироқ биз ҳикоя қилмоқчи бўлган мактаб ҳовлиси болаларнинг шодон кулгиларидан титрамайди. Қалбигизни қувонча тўлдирадиган беғубор болалик қушиқларини эшитмайсиз. Юрагингизнинг аллақеридеда ўқинч ва алам гимирайди. Сизга боқиб турган кўзларда сўзлар галаёни бор. Сизга бир нималар дөмоқчидай бўлади. Юрагидеда тугилган сўзлар фақат кўзларига балқиб чиқади.

Кармандаги 25-маҳсус интернат фаолияти билан танишишни боғча ёшдаги гуруҳдан бошлади.

— Бу ерда 5-6 ёшдаги болалар тарбияланади, — дея изоҳ бера бошлади директор Иброҳим Исмоилов.

Дам олиш хонасини кўздан кечирдик. Тарбиячи оёқ учидеда юрибди: қайси бир боланинг очилиб қолган кўрпасини ёпиб қўяди, сўнгра бошқа крават ёнига келиб, кўзлари очик ётган боланинг елкасига қоқиб ўхлатиш билан овора бўлади. Атрофда сукунат.

Болалар уйнайдиган хонага кирдик. Бу ерда болалар учун ҳамма нарса мавжуд. Ёнг асосийси бу ерда инсоний Муҳаббат бор, Шафқат бор, Ҳарорат бор. Сизнинг хоргин кайфиятингизни шулар кутаради.

Торгина синф хонасини кўздан кечирдик. Хонада бор-йўғи бешта парта бор. Деворларга қўрғазмалар жиҳозлар илган.

— Бармоқлар ҳаракати ҳарфни ифодалайди. Бармоқлар бус-бутун бир жумлалар ҳақида тушулча беради. Ўзбек алифбесидедаги 35 та ҳарф учун унча бармоқнинг 35 хил ҳаракати керак, — дейди интернат директори Иброҳим Исмоилов.

Бармоқлар... Сўзга айланган бармоқлар, овозга айланган бармоқлар, ҳайратга айланган бармоқлар.

Бу бармоқлар қувончу қайгудан сўзлайди. Кези келганда бармоқлар ҳақсизлик руй берган жойни ҳам курсатади. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлигини тушунтириб беради. Шунда бармоқлар

тил таржимони, покиза дил забонига айланади.

Биз сурдопедагог Гулнора Нуруллаеванинг иш тажрибаси билан қизиқдик.

— Мен асосан гапириш ва эшитиш қобилияти бўлмаган ўқувчилар билан якка-якка машғул олб борман, — дейди Гулнора Нуруллаева — ҳар бир ўқувчи билан кунига 20 минут шугулланаман.

Хонага катта тошойна қўйилган. Гулнора ўқувчи билан тошойна олдида ўтиради. Сўнгра машғул ол бошланади.

Мана бу — О, бу — Н, мана — А, бу — В, бу — А, бу — Т, бу — А, бу — Н.

Она — Ватан сўзи минг машаққат билан дунёга келади. Унсиз товушлар, бармоқлар сеҳри туфайли пайдо бўлади, бу сўз. Бу ҳол атиги 20 минут давом этади. Юрак тубидан эса Она — Ватан сўзи ўлғаяди.

Интернатнинг меҳнат устaxonасида бўлганимизда мураббийлар бизга ўқувчи қизлар қўлидан чиққан турли хил кийим-кечақларни курсатади.

— Бироқ айрим ташкилотлар бизга у қадар ишонч билан қарашмайди. Агар материал етказиб берилса, интернатдаги ҳамма бичиш-тиқиш ишлари ўзимиздан ортмайди. Ҳатто интернат болаларига мос кийимлар ҳам тикамиз. Ахир ўзимизни эпласак ёмонми? — дейишади улар сўхбат чоғида.

Бундай пайтда беихтиёр эртага мустақил ҳаётга қадам қўядиган қизлар тақдир ҳақида уйлaysан. Улар бегона эмас. Унсиз гапираётган қизлар келажакда бахтли яшашга ҳақли. Уларнинг сезгилари уйғок.

— Биз ателеларда, модалар уйида яйраб-яйнаб ўтирадиган муҳтарам олаҳонларимиздан, гузал сингилларимиздан илтимос қилардик. Улар лоақал йиллида бир марта ёрдам қўлини қўзасалар, нур устига аъло нур бўларди...

Албомларни варақлай бошладик.

Мана кўлимизда ўқувчилар чизган суратлар. Бу суратларни ўқувчилар чизганига ҳадеганда ишонавермаймиз. Ростда, одатда бундай суратларни биз кўпроқ қўрғазмаларда учратамиз.

— Бу суратлардан адабиёт дарсликларида фойдаланамиз, — деб изоҳ беришади ўқитувчилар. — Ҳар бир машғул олдида ўқувчилар билан шундай қўрғазмалар воситалар тайёрлаймиз. Бу болаларнинг дарсни осон ва тез ўзлаштиришига ёрдам бермоқда.

Биргина 8-синф ўқувчиси Самариддин Қайомовнинг ўзбек халқ эртақлари мавзусида чизган суратларини томоша қилиб тили йўқ ҳайратнинг сеҳрига тан берасиз. Биз Ойзода Халилова, Холида Раҳимова чизган суратларда улғайиб келаятган тафаккур кенгликларини кўрдик.

Ва юрак тубидан қалқиб чиқаятган сўзлар сизни беихтиёр саволга тутайди.

Нега уларнинг мурғак талантини тарбиялай олмаимиз? Улар бу дунёда Алломиш ва Барчининг борлигига ишонишади. Биз эса уша ишончини қадрлай билмаймиз.

Ҳайрат — бизга боқиб турган бу оддий дунё. Ҳайратнинг забони йўқ. Лекин, шоир айтганидек «Замин мўъжизалар берару бизга, эвазига фақат ҳайрат сурайди».

Яна боғча гуруҳидамиз.

— Бугунги темамиз фасллар, — деб эълон қилади тарбиячи микрофон орқали.

Сўнг доскага Қиш, Баҳор, Кўз, Ёз тасвири туширилган суратларни илади.

— Қани, болалар, дарсни бошлаймиз. Мана суратда қиш тасвирланган. Қаранглар, ҳаммаёқ оппоқ қор. Энди қиш сўзини талаффуз қиламиз. Ҳаммамиз бараварига қиш сўзини айтмайиз.

— Қиш...

Сўнгра кўз, Ёз сўзлари талаффуз қилинади. Баҳор сўзига келганда тарбиячи болаларга бир даста гулни курсатади. Болаларнинг кўзидеда севинч порлайди. Улар баҳорга шундай етадилар.

Яна ун минут вақт бор эди. Машғуллар ранглар ҳақида сўхбатга кўчди.

Тарбиячи қизил, сариқ, кўк рангларни доскага илиб, болаларга хатжилд тарқатиб чиқди.

— Қани болалар, шу хатжилд ичидан қизил рангни ажратиб олингларчи — де-ди.

Болалар адашмай хатжилд ичидан қизил қоғозни танлаб олишди. Болалар учун 20 минутнинг ҳар бир дақиқаси дунёни ва ўзлигини таниш сабоғи бўлади.

Интернат болалари... Бир хонадон болалари. Улар дунёда қутлуг сўзлар борлигини билишади. Бу оламда жарангдор овозлар борлигига ишониб яшашади.

Сўзлар қувончдан нафратга, қалқондан қиличга айланишини ҳам ҳис этишади. Болалар дунёда турфа хил қушиқлар ичидеда энг муборак қушиқ — Алла эканини эслашади. Уларнинг тушларига жарангдор сўзлар, янғроқ овозлар кириб чиқади. Болалар бир умр сўзни, овозни соғиниб яшашади. Бу ерда Ватан сўзи айтилгудек бўлса кенгликлар тушунилади. Она дейилганда улуг инсонга сизинмоқ маъносидеда таржима қилинади. Ана шу икки сўзни болалар қалбига сингдириш ҳам фидойилик. Бу мактабда ўз умрини болалар тақдир учун фидо қилиб келаятган азиз муаллимлар жуда кўп. Бошланғич синф ўқитувчилари Рўзибиби Ғайбуллаева, Олия Назарова, Дилрабо Саидова, Норбиби Чулиева, она тили ўқитувчилари Саломат Қодирова, Мўхсина Ҳамроева, математика муаллимаси Рамзия Агъева, Муҳаббат Ҳамроева, география ўқитувчиси Зиннат Умароваларнинг сермашаққат ишлари ҳақида батафсил ҳикоя қилолмадик.

Сўхбатимизни яна мактаб директори-



нинг чоғроққина хонасида давом эттирдик.

— Интернатимизда 267 нафар ўқувчи таълим оляпти, — дейди мактаб директори. — Ҳозирча мактабни 421 нафар ўқувчи битириб чиқди. Битириб чиқаятган ёшларимиз Бухоро ва Самарқанддаги маҳсус ишлаб чиқариш корхоналарига борадилар. Биз собиқ ўқувчиларимиз меҳнат қилаётган корхоналар билан ҳам алоқа ўрнатганмиз. Бирорта собиқ ўқувчимизнинг ишсиз қолишига йўл қўймаймиз.

Сўхбат чоғида мактаб-интернат директори ҳомийлик қилаётган корхоналар номини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Жумладан, Навоий кон-металлургия комбинати директори Николай Кучерскийнинг курсатаётган ҳиммати-дан мамнун эканлигини изҳор этди. Ушбу корхона кучи билан мактаб интернат 1992 йили тулиқ таъмирланди. Яна ҳар байрамда мактаб ўқувчилари учун озиқ-овқат, кийим-кечақлар беради. Яқинда комбинат болаларга 284 жуфт оёқ кийим ҳадя қилди.

Зарафшондаги «Зариспарк» қўшма корхонаси 300 та қиз болалар қуйлаги совға қилди.

Вилоятдаги бошқа корхоналар ҳам қараб туришгани йўқ. Бу ерда улғайиб келаятган болалар Ватан сўзини ҳайқариб айта олмасалар ҳам унинг меҳрини юракдан сезишади. Уларнинг бошларини силаб турган қўллар она юрт қўллари. Улар она сўзини талаффуз қила олмасалар-да, ўзларини она кучоғида ҳис этадилар. Ва яна замин сўзини айтишга имкон бўлмаса-да, улар шу замин фарзандлари эканликларини сезишади. Улар Ватанини қўлоқларини ёзиб-ёзиб тушунтиришади.

Маҳмуд МАРДИЕВ,
Навоий вилояти

СПИД — XX АСР ЎЛАТИ

натижа ханузгача айтилгани йўқ. Шунча вақт ичидеда минглаб кишилар бу касаллик сабаб дунёдан ўтиб кетдилар.

Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотиға қараганда ер юзидеда 15-17

миллионга яқин СПИДга мубтало бўлган кишилар бор экан. Бу рақамларни кўриб юрагингиз орқага тортади.

Америка қитъасида ярим миллиондан ошиқ бу дардга учраганлар мавжуд экан. Африкада СПИДга учраганлар сони 350 мингдан ошиб кетган.

Европада 130 минг киши бу дард-

га чалингани қайд этилган. Осиёда эса 20 мингга яқин киши бу касалликдан азоб чекмоқда. Австралиядеда шубҳа остига олинган 19 минг кишидан 6 мингтаси СПИД билан оғриган, деб топилди.

Яқинда Копенгагенда СПИДни даволаш муаммоларига бағишланган бутун Европа 5-конференцияси бўлиб ўтди. Унда фаол иштирок этган Амстердамлик шифокор Свен Дэннер «бу ўлатни улкан динозаврга ўхшати. Унга қарши кураш олиб борувчиларни эса динозавр билан олишмоқчи бўлган қуёнга ўхшатиб ҳажв қилди. Абатта, шифокорнинг бу ҳажвийси остида аччиқ ҳақиқат ҳисобланмиш юқоридеда келтирилган «улкан» рақамлар ётибди.

Ушбу дардга қарши курашгандан кўра, унинг олдини олиш минг марта осон. Бунинг учун, соғлом ва пок яшашнинг ўзи кифоя.

ЭРКИН тайёрлади

Бу ажиб дунё
ОЧОФАТ
ЧУМОЛИЛАР

Шу кунларда Бразилиядаги Энвира шаҳри аҳолисининг боши қотган. Улар йўлда учраган нарса—экинларга, мол-ҳолларга, дарактларга қирон келтираётган чумолилар дастидан дод дейишмоқда. Чумоли талаш натижасида болалару катталар ҳам оғир аҳволда касалхонага ётқизилган ҳоллари қайд этилди. Ҳеч қанақа дозилар, заҳарли пестицидларнинг ҳам ёрдами тегмаяпти. Чумолилар камийиш ўрнига кўпайгандан-кўпайиб бормоқда.



1981 — 1982 йиллари СПИД касаллиги дунё миқёсидаги энг долзарб муаммо сифатида шов-шувга сабаб бўлди. 1985 йилга келиб эса ер юзи бўйлаб СПИДга қарши кураш ва унга чалинган кишиларга даво топиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ўлатга қарши курашнинг бошланганига ҳам ҳаш-паш дегунча 10 йил бўлибди. Лекин бирор бир ижобий

ДОРИВОР

Мунажжимлар Зодиак буржида туғилганлар мижозини ҳисобга олган ҳолда доривор ўсимликлардан тайёрланган ичинни тавсия қилади.

Қўй (21 март — 20 апрел)

Асабийлашиб, қизишганда ҳаддан тасовир ҳаяжонланишади. Нервлари чидамлиги оқибатида эса ортқча беҳаловат келиб чиқади. Шунинг учун дундиқдан 20 гр, валерианадан 10 гр, чирдан 10 гр олиниб, бу доривор утқинлаб, аралаштирилади. Доривор алашманинг бир сиқимини ярим литр суга солиб, тиндирилади. Тайёр бўлган доривор чой ортқча эвриқишларни тутириб, бош огригини қолдиради.

БУЗОҚ (21 апрел — 21 май)

Бу бурждагилар қувватли овқатлар



УНИ БҒ МАСЛА

Нон қопқоғи жипс беккиладиган чинни ёки сирланган идишда сақланса, анча вақтгача юмшоқ туради ва суви қочмайди.

Биллур (хрустал) идишларни спиртла ҳўланган латта билан яхшилаб артиб, кейин паҳмоқ билан ишқаласангиз янгидек ялтиради.

Холодильникдаги маҳсулотлар узоқ вақт сифати бузилмасдан сақлансин десангиз, холодильникни тез-тез очаверманг.

Пичоқ дами тез қайтмасин десангиз, уни қошиқ ва вишкарлардан алоҳида сақланг, қайноқ сувда юрманг.

Қайнатиб пиширилаётган тухумнинг тумтоқ томонидан нина билан теппсангиз, пишганда ерилмайди.

Қовуриладиган гушт ва қийма барвақт тузлаб қўйилса, сели чиқиб, сифати бузилади.

Чилчуп билан ийланаётган тухум оқси-

ни қолдириб, қизиганда хаддан тасовир ҳаяжонланишади. Нервлари чидамлиги оқибатида эса ортқча беҳаловат келиб чиқади. Шунинг учун дундиқдан 20 гр, валерианадан 10 гр, чирдан 10 гр олиниб, бу доривор утқинлаб, аралаштирилади. Доривор алашманинг бир сиқимини ярим литр суга солиб, тиндирилади. Тайёр бўлган доривор чой ортқча эвриқишларни тутириб, бош огригини қолдиради.

Қорайиб қолган алюмин кюстрюлга сув тулдириб, 3-4 қошиқ сирка қушиб қайнатилса яхши тоза бўлади.

Овқат тагига олиб, қирмоч боғлаган алюмин кюстрюлкага сув тулдиригач, унга 2-3 бош пиезни кесиб солинг-да, қайнати-нг. Шунда кюстрюлкадан қирмоч осонликча қучади.

ДИЛАФРУЗ тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



**Ҳамкасбимиз
Абдусодиқ
НОМЗОВ!**

Сизни 10 декабр таваллуд айёмингиз билан қизгин муборакбод этамиз. Узоқ-умр, иш ва ижодингизга баркамоллик тилаймиз.

**Ҳурмат билан Собир Ўнар,
Миродил Абдурахмонов,
Раҳмиддин Кўчимов**

**Ҳурматли дўстим
Бобошер!**

Сизни 8 декабр туғилган кунингиз билан чин қалбидан табриклайман. Сизга узоқ умр, улкан бахт ва соғлиқ-омонлик тилаб

ФАЙЗУЛЛО

Дўстим, бугун осмонга қара,
Осмон сенинг кўзингдайин кенг,
Дўстим, сендай тоза, боқира,
Осмон сенинг ёшинг билан тенг.

Музаффаржон! Туғилган кунинг муборак бўлсин. Бундан кейинги ўқишларингга муваффақиятлар тилаб **ПАРДАЕВ**лар оиласи.

**Қамаши шаҳри,
Окгузар кишлоғи**

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат Автомобил Йуллари Олийгоҳи томонидан Ҳаққулов Иззатулло номига берилган РВ № 858649 сонли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ОИЛА

28 ЁШДА

Вилоятдан. Оқила, келишган, уйим-жойим дейдиган аёл. Фарзандсизлик туфайли ажралишган. Ҳозирда Тошкент шаҳрида яшаб, ишлайди. 40 ёшга ча бўлган, оилани севувчи инсон билан танишиб, турмуш қуриш ниятида. Фарзандлари бўлса ҳам майли.

«Оила — 427»

**аёлларга қандай мулозимат қилиш
лозимлиги ҳақидаги маслаҳатлари-
ни бериб бормоқда.**

ичилади. Мойчечак гули 20 гр, гажак ут илдири 5 гр олинади ва ярим литр қайноққа бир чой қошиқ солиб, тайёрланади.

А. САФАРОВ тайёрлади

Обуна-96

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Авалло, газетамизнинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқиб бораётганингиз, уни ўзингизнинг дилкаш ҳамсуҳбатингиз деб билаётганингиздан хурсандмиз. Бунинг учун сизга раҳмат. «Оила ва жамият» келгуси йилда ҳам мунтазам равишда хонадонингизга кириб боришини истасангиз, шошилинг. Шу кунларда газетамизга обуна давом этмоқда. Боболаримиз «Бугунги ишни эртага қўйма» деганлар. Ишончимиз қомилки, сиз ҳам бу ибратли ўғитга амал қилган ҳолда, шу бугундан кечиктирмай «Оила ва жамият»га обуна бўласиз.

**Обуна баҳоси қўйидагича:
3 ойга — 79 сўм 95 тийин**

**6 ойга — 159 сўм 90 тийин
1 йилга — 319 сўм 80 тийин**

Обуна индекси: 64654

**«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА
ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!**

ИЗОХ

Декабр ойдан «Танишув» эълонининг баҳоси 100 сўм, шунингдек «Табрик», «Ўзаро савдо» эълонлари қўйидаги тартибда белгиланди: бир босма белгининг (ҳарф, тиниш белгиси) баҳоси 60 тийин. Табриклар сурати билан берилса, битта суратининг баҳоси 60 сўм. Ун кун ичида берилган эълонлар икки баробар қиммат.

DEPАЗA

ПЕДАГОГЧАСИГА МУШТЛАШИШ

Кировограддаги мактаблардан ирида жисмоний тарбия ўқитувчиси билан мактаб директори анча оқтдан буён чиқишолмай юарди. Қинда бўлиб утган мактаб ўқитувчилари кенгашида директор «физрук»ни қаттиқ танқид қилди. Бундан асабийлашган «физрук» диторни шифохонада еталиган дарсида дуппослади. Маҳаллий суд берори-ўқитувчини икки йилга ахлоқ узатиш колониясига жунатди. Педагогчасига муштлашишнинг ҳам хори яхшиликка олиб келмас экан.

АСОСИЙ ЎҒРИ КИМ?...

Францияда ким куп давлатга зарар келтиради деган саволга статистикачилар «солиқ тўловидан қочувчилар» деб жавоб берди. Уларнинг дастидан давлат ҳар йили 160 миллиард франк зарар кўрар экан. Йуллардаги ҳалокатлар сабабли 45-60 миллиард франкга яқин келтирилган зарар эса иккинчи ўринни эгаллайди. Наркобизнесчилар давлатга 18-33 миллиард франк зарар келтирса, савдо дуконларидати уғирликлардан 12 миллиард франк зарар келтирилар экан.

НАФАҚАДАГИЛАР 20 ФОИЗ

Россия Федерацияси аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг таъкидлашича, мамлакатда нафақахўрлар аҳолининг 20 фоизини ташкил қилар экан. Ҳозирги кунда туққиз фуқаронинг биттаси 65 ва ундан катта ешдаги кишилардир. 230 мингдан ошқ нафақалаги кексалар қариялар уйларида истиқомат қилинади.

АФРО-АМЕРИКАЛИКЛАРНИНГ ФИКРИ

Америкада яшовчи ҳар учинчи афро-америкалик СПИД вируси ҳарбий биологик лабораторияда мамлакатнинг қора танли аҳолисини йўқотиш мақсадида яратилган деб ҳисоблашар экан. Бу фикр борасида ўтказилган сўровда ҳар утанинг иккитаси бу гапларга ишонмасликларини айтишган бўлсада, бу тўғри эканлигини бутунлай инкор ҳам қилишмаган.

КАТТА ЙЎҚОТИШ

Россияда судгача жиноятчилар сақланадиган қамоқхоналар сони анчагинани ташкил этар экан. Лекин фойдаланишга лойиқлари жуда камлиги сабабли жиноятчиларни сақлайдиган камералар сони камлик қилиб қолаяпти. Бу турдаги қамоқхоналарда 1993 йили 183 минг, 1994 йили 190 минг киши сақланган бўлса, 1995 йилга келиб маҳбуслар сони 205 мингга етди.

Қамоқхоналардаги шароитлар ёмонлиги сабаб турли касалликларга йўлққан 869 киши тақдирининг нима билан яқун топишини билмасдан оламдан ўтган.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди

Панжара

БОЙИШНИНГ ЙЎЛИ КЎП...МИ?

Кейинги пайтларда Учқудуқ туманида гиёҳвандлик моддалари билан савдо қиладиган «тижоратчилар» пайдо бўлиб қолди. Утган ойлар мобайнида туманда шу йўл билан бойимокчи бўлганларга нисбатан 32 та жиноий иш қўзғатилди. 28 нафар киши ҳибсга олинди. Таассуф қиладиган жойи шундаки, наркотик моддаларни сотиш билан аёллар ҳам шуғулланмоқдалар. Учқудуқлик Мишкина ва Лазутиналар наркотик моддаларни тарқатганлиги учун ушландилар. Худди шундай, С. Колотвина 98 грамм кўкнори билан ушланди. Судда қўз ёшлари ёрдам бермади. Колотвина 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. И. Маркова ҳам катта миқдорда опий билан қўлга тушди. Суд ҳукми билан у умрининг 5 йилини қамоқда ўтказадиган бўлди. М. Бахтанова ҳам 54 грамм опий учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Наркотик моддалар билан савдо-сотиқ қилиш вояга етмаган ўсмирлар орасида тарқалаётгани ташвишли бир ҳолдир. Эндигина 16 ёшга етган Н. Денисенко 77 грамм опий моддасини «реализация» қилмоқчи бўлганда милиция ходимлари томонидан ушланди. Бироқ унинг ҳали балогат ёшига етмаганлиги ҳисобга олинди. Афв этиш тўғрисида қабул қилинган Президент фармониға қўра, Денисенко жазодан озод этилди. Ҳозир бангифурушликка қарши кураш дунё халқлари эътиборида турибди. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига ҳам бангифурушлик энг оғир жиноят тури сифатида қайд этилган. Ҳатто айрим ҳолларда ўлим жазоси белгиланганлигини унутмаслик керак.

**Облокул СУЛТОНОВ,
Учқудуқ туманлараро прокурори**

ЭССИЗ, ЎН САККИЗ ЁШИМ...

Нафақахўр Хужаёр Бобоёров Денов шаҳридаги автобус шоҳбекатида турган эди. Бир маҳал чўнтагида нимадир оҳиста, ҳатто мулойимгина гимирагандек бўлди. Ана-мана деб қайрилиб қарагунча 500 сўмни чўнтагидан сугуриб олишга улғурган йигит «улоқ»ни ҳалоллаш учун жон-жаҳди билан қочиб борарди. Аммо... ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб тургувчи милиция ходимларининг ўткир нигоҳларидан қочиб қутула олмади. Хуллас, киссавурни аниқлаб билишди: у асли Денов туманидаги тоғли Сина қишлоғидан Ш. исмли йигит экан. У бу йил нақ ўн саккиз ёшга тулибди. Демак, ўн саккиз ёшида ҳар ким ҳар тилдаги юмушни бажарар экан-да. Биров ер очади, биров иморат қуради, биров элнинг қийин юмушларига камарбаста бўлади, кимдир эса... чўнтакларни қоқлайди.


**Маҳмуд АБУЛҒАЙЗ,
Сурхондарё вилояти**

фас чиқаринг ва оёқларингизни шундан кутарингки, думбаларингиз ҳам юқорига чиқсин. Қўлларингиз ёрдамида белингизни ушланг ва яна сал кутаринг. Тирсакларингиз ерга тегиб турсин. Бошингиз, бўйин ва елкангизнинг юқориси полда етиши лозим. Уларнинг ҳаммаси ягона йўналишда бўлгани маъқул. Оёқ товларингиз ҳам бүкилсин. Иягингиз эса курагингизда турсин. Бу ушбу асаннинг яқунловчи ҳолатидир. Маромид нафас олиб, кучингиз етгунча мана шундай тураверинг.

Ушбу асанни бажариш ҳомилдор аёлларга ва юқори қон босимли кишиларга тавсия этилмайди.

Фойдалари: Сарвангасанни бажариш натижасида юрак, ўпка ва миёна узига куч туғилади. Артериялар қувватланади. У томоқ, кўз ва қулоқдаги дардларни ҳам даф этиди. Иштаҳани ошириб, овқат ҳазм бўлмаслиги касаллигини даволайди ва ошқозон газларини ҳайлайди. Шунингдек, қалқонсимон безлардан секретция ажралиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатади. Қарилқан сақлайди.

(Давоми бор)



ФРАНТС КАФКА ҒАЛАТИ ЁЗУВЧИ

Мана, Кафка ижодкор феолигини қандай тушунади: «Ҳуддан ташқарида чиқишга ҳеч қандай зарурат йўқ. Ёзувчи столдан жамла ва диққат билан кулоқ тут. Ҳатто кулоқ ҳам тутма, кут. Ҳатто кутма ҳам, ҳаракатсиз ва ёлғиз бўл. Ва дунё қаршида ўзини фойда этди, у бошқача йўл тутма билмайди».

Франтс Кафканинг таржуман ҳоли анча «камбағал». Франтс Кафка 1883 йил, 3 июлда Прага шаҳрида туғилди. Отаси руҳоний олимлар алоқидани, отаси эса камбағал қишлоқ дурдадорининг фарзанди эди. У 1901—1905 йиллари уни-




верситетда ҳуқуқни ўрганди, санъат ва герман тиллари, адабиётлари тарихи бўйича сабоқ олди. 1906—1907 йиллари адвокат идораси ва округ судида иш ўрганди. 1908 йилдан деярли умрининг охиригача оддий бир идорада арзimas маош олиб яшайди. 1917 йил ўпка сили касалига чалинди ва 1922 йилдан пенсияга чиқишга мажбур бўлди. 1924 йил, 3 июнда вафот этди.

«Менинг бутун борагим адабиётга йўналган... Агар мен бирор вақт келиб адабиётдан воз кечгудай бўлсам, унда тириклигим даргузмон», деб ёзган эди у. Кафка учун ёзувчиликдан муҳими бўлмаган, уни ҳаётда тутиб турган ягона илмж ёши эди. У идорадаги вақтини кўп олиб қўётганидан бот-бот зорлансада, бироқ ишни ташламади. Уйлашни, бола-чақали бўлиши хаёс қилди, «Мен ёзувчи бўлишга... туғилган болаларининг бағрига олиб, бу бебақо бунда уларни асраб-авайлаш, бу, менинг назаримда ипсонга кўра ёзилган энг дуғ саодатдир», деб ёзди у «Отамга мактублар»ида. Икки бор уйлашни арафасида, оилавий ҳаёт ёзувчилигимга кўра ётказди деб, оила қуришдан «қочмай». Узининг ёзганадан кўнгли тўймайди, худом ўз қобилиятиса шубҳа билан қараб юради, асарларини онда-сонда ёзган қилади. Улам алоқидан биродари Макс Бродга барча кўлемларини ёқиб юбор, деб асият қилади. Бироқ адабиёт вафотидан сўнг биродари асиятини адо этмади ва оқибатда жасон маданияти «Америка», «Жарасин», «Қалъа» каби тарошларни ҳикоялари билан уқан ва ўта ўшга хос ёзувчи — Франтс Кафка ижоди билан бойиди.

Оддий китобхон Кафканинг асарларини шундоқ қўлга олиб, ўқиб кетавериши қийин. Кафканинг ижодини тушуниш учун унинг шахсини билиш керак. Шахсини билишда, роман ва ҳикояларини кукур англашда адабиётинг «Кундаликлари», «Отамга мактублари», «Миселга мактублари» ҳар қандай изоҳ ва у ҳақдаги мақолалардан кўра муҳим қўлама бўла олади.

Биз қуйида унинг «Кундаликлари»дан танлаб таржима қилинган айрим парчаларга сазетхон ўқишга қулай бўлар деб, саналарини қўймадик. Зеро, бу парчалар бир ёзувчининг — Франтс Кафканинг турли йилларда турли ҳодисалар, тушунчалар, ҳолатлар, туйғулар ҳақидаги иқрорномасидир.

Таржимон



Бундан кейин мен ҳеч қачон елгиз бўла олмайман.

6. Сингилларим олдида, бошқа кишилар олдида бўлгандагидан кўра, мен бутунлай бошқа одам бўламан. Жасур, дангал, қучли, қутлимаган, фақат ёзаётган чоғда бўладиганимдай савдойи. Қани энди хотиним туғайли ҳамманинг олдида шундай бўлсам! Бироқ бу ёзишни қурбон қилиш эвазига бўлмасмикан? Фақат шундан асрасин, фақат шундан!

7. Агар мен елгиз яшасам, мен, балки, қачондир хизматдан воз кеча биларман. Уйлашиб, мен ҳеч қачон бундай қилолмайман.

Арзимас одам!

Бир неча кун узлуксиз давом этган бош огришдан сўнг узимни эркин ва қатъиятли ҳис этдим. Агар мен бегона одам сифатида узимни ва ҳаётим қандай кечаётганини четдан туриб кузатсам, шуни айтишим лозим бўлардики, ҳаммаси самарасиз тугаши керак, узлуксиз шубҳа-гумонларга бой берилиши лозим. Бироқ, қизиққан одам сифатида, мен — умид билан яшайман.

Нега саволлар моҳиятсиз? Шикоят қилиш — саволлар бермоқ ва жавоб кутмоқ демак. Пайдо бўлган чоғда жавоби узида бўлмаган саволларга ҳеч қачон жавоб олинмайди. Савол бераётган ва жавоб қилаётган орасида масофа йўқ. Ҳеч қандай масофани босиб утишга зарурат йўқ. Шу боис саволлар ва қутиш моҳиятсиз.

Ҳал бўлмайдиган муаммо: мен сенилганманми? Ҳалок бўлаётганимми мен? Барча аломатлар шундан хабар беради (совук, гангиш, асаблар аҳоли, парокандалик, ишга яроқсизлик, бош огриши, уйқусизлик); бунга қарши қарийб бирдан-бир хабар — бу умид.

Агар мен ҳалокатга маҳкум бўлсам, у ҳолда нафақат улимга эмас, улимга қаршилик курсатишга ҳам маҳкумман.

Узлуксиз қоронги якшанбалар, бутун-бутун йилларни ютиб юборадиган якшанбалар, йилларга қўзилиб кетадиган тушликдан сўнгги вақт. Галма-гал ноумид кайфиятда бум-бум кучаларда сандирақладим ва диванда хотиржам етдим. Деярли узлуксиз қўзилиб келаётган туссиш, бемаъни булдулар тоғи-тоғида ҳайратга солди. «Сени буюк душанба кутмоқда!» Яхши гап, бироқ якшанба ҳеч қачон тугамайди.

Сен мени ташлаб кетдинг, деб айтиш ўта адолатсизлик бўларди, бироқ менинг ташлаб кетилганим, гоҳида шафқатсиз ташлаб кетилганим — бу ҳақиқат.

Одамлар билан бирга бўлиш чинакам саодатдир.

Уз болангининг бешиги енида, онангининг қаршида утириш — бу туганмас, теран, ҳароратли ва халоскор бахтдир.

Аҳмад ОТАБОЙ таржимаси

Франтс КАФКА:

«БАРЧАСИ ЁЛҒИЗЛИК САМАРАСИ»

Узимнинг, кейинги пайтларда, мана, қарийб бир йил мобайнида қўзилиб келаётган аҳволим ҳақида келган хулосаларимга мен қарийб ишонмайман — бунинг учун менинг аҳволим ўта жиддий. Мен ҳатто, бу ҳолат янги эмас, деб ҳам айтолмайман. Ҳар ҳолда узимча бу ҳолат янги, бундай аҳволга бурун тушганман, деб ҳам уйламайман, бироқ бунақаси — ҳали ҳеч қачон бўлмаган. Мен гўё тошланман, мен узимга қуйилган қабртошман гўё, гумон еки ишонч нури тушадиган игна қўзидай ҳатто тиркиш йўқ, алланиманинг қаршисида пайдо бўлгучи жарат еки қўқув йўқ, фақат беқарор, самар бир умид бор, қабртошга бирилган битикдай. Ёзганим бирор-бир суз бошқасига болганмайди, ундоллар бир-бирига темир парчаларидай ишқаланаётганини эшитаман, унлилар эса мисоли пойгада турган ҳабашиллар каби уларга жур бўлаётгандай. Шубҳа ҳар бир сўзни тугадай ураб олган, мен суздан бурун уларни кураман, нималар дейшман узи! — мен ҳатто сўзни қурмайман, уни уйлаб топаман. Бироқ бу ҳали жуда катта бахтсизлик бўлмас, агар мен сўзни уйлаб топа билсам, улар майит хилдини тарқатиб юрса, бу хил менинг ва китобхоннинг димоғига урилмаса бўлгани.

Блумникида бўлдим, ажойиб нарсаларни эшитдим. Мен қучсизман, бурунгидай ва ҳар доимгидай. Гўё мени боғлаб қўйишган, ва айна дамда, агар мени ечиб юборишса, яна баттар бўладигандай.

Мен бу ерда шундай яшайманки, гўё иккинчи бор яшашимга ишонгандай, бу, мисол учун, Парижга омадсиз сафаримдан сўнг узимга, тагин у ерга тез орала бораман-ку, деб қўнғил берганимдай. Қаршида — йўлакдаги нур ва соя—жой кескин ажралиб туради.

Мен вақт-вақти билан узимда нима шубҳасиз, кейин — имкон қадар, ундан сўнг — эҳтимоллиги руйхатини тузишга ҳаракат қиламан. Менда китобга ташналик шубҳасиз. Йўқ, китобларни қўлга киритиш еки ўқишга ташналик эмас, балки уларни қўз билан қуриш, китоб сотувчисининг пештахтасида улар мавжудлигига ишониш. Агар бирор-бир жойда битта китобдан бир неча нусха етган бўлса, уларнинг ҳар қайсиси мени севинтириди. Бу ташналик нотўғри йўналтирилган очлик туйғусига ўхшайди, гўё ошқозондан келади. Узимнинг китобларим мени ҳам қувонтиради, сингилларимнинг китоблари эса, аксинча, севинтириди. Уларга эга бўлиш хохishi жуда қучсиз, бундай истак деярли йўқ.

Мен доно эдим, агар лозим бўлса, чунки хоҳлаган дақиқада улишга тайёр эдим, бироқ бу зиммамга юкланган ишнинг ҳаммасини адо этганимдан эмас, балки бу ишлардан ҳеч қайсисини қилмаганим ва қачондир бирор-бир қисмини қилишга умид қилмаганим туғайли.

Менинг ёзганларим фақат ошириб баҳоланмаса бўлгани, акс ҳолда мен ёзишим керак бўлган нарсаларни ёзмайман.

«Ҳукм» ҳикоясини мен бир нафас билан 22 дан 23 га утар кечаси оқшом соат ундан саҳар соат олтигача ёзиб битирдим. Столдан зўрға судралиб турдим—утиришдан оёқлар увишиб қолди. Қўз унгимда ҳикоя муфассал очилганидан вужудимни қамраган даҳшатли зўр гайрат ва қувонч мени қучли селдай олдинга оқизиб кетди. Бу оқшом мен узимнинг шахсий вазинимни ўз елкамда бир неча бор қўтардим. Ҳамма нарсани айтиш мумкин, ҳам-

маси учун, энг ғалати ҳаёлот учун ҳам муқаддас олов мавжуд, бу оловда улар енади ва жоилиниб кетади. Дераза орти мовийлашди. Арава ўтди. Икки эркак киши қўприкдан юриб ўтди. Соат иккида мен охириги марта соатга қарадим. Хизматкор аёл биринчи бор даҳлиздан ўтган чоғда мен энг охириги гапни эдим. Чироқни ўчирдим. Қўндуз еруги. Юракда қучсиз огрик. Тун ярмида чарчоқ йўқолди. Қалтираб сингилларимнинг хонасига кирдим. Уларга овоз чиқариб ўқиб бердим. Бунгача хизматчи аёл енидан судралиб ўтаётди: «Шу пайтгача мен езим», деб айтдим. Қўл теккизилмаган тушак, гўё уни ҳозиргина олиб кириб тушгандай. Роман ёзишим ёзувчиликнинг уятли даражадаги паст савиясида турганига ишончим қатъийлашди. Фақат шундай ёзиш мумкин, фақат мана шундай ҳолатда, тана ва руҳнинг мана шундай тула-тукис очикилигиди.

Умидсизланмаслик керак, нега умидсизланманман, деб ҳам умидсизланмаслик керак. Ҳаммаси энди барҳам топандай туюлган дамларда аллақайлариди янги қуч-қувват келади, бу демак, сен тириксан. Агар у келмаса, демак ҳақиқатан ҳам ҳаммаси тулган, боз устига буткул барҳам топан бўлади.

Менинг уйланишимни «маъқул» ва «номатқул»га йўядиган сабаблар саного:

1. Ҳаётга елгиз узим бардош беролмаслигим; бу яшашга ноқобиликдан эмас, мулақо бошқа, ҳатто галатик, мен кимдир биров билан яшай биламан, бироқ мен шахсий ҳаётим сиқувларига, узимнинг шахсий талабларимга, вақт ва ешим тажовусларига, фавқулодда эспиритлиб келадиган ёзиш иштеккига, уйқусизликка, ақлдан озиш яқинлигига бардош беришга ночорман — булар барчасини елгиз узим қўтаришга қурбсизман. Албатта, эҳтимолдан ҳоли эмас, деб қўшиб қўяман.

2. Ҳамма нарсани уйлашга мажбур қилади. Ҳажвий гезастадаги ҳазил, Флорбер еки Грилпаер ҳақидаги хотира, ота-онамининг тушқанда кийиб етилган тунги қўйлақларининг туси, Макснинг уйланиши. Кеча сингилм: «Уйланганларининг ҳаммаси (бизнинг танишларимиз) бахтли, бунга менинг ҳам ҳеч ақлим етмайди», деб гапирди. Бу гап ҳам мени уйлашга мажбур қилди, мен яна қўқувни ҳис этдим.

3. Мен узоқ вақт елгиз бўлишим керак. Нимаки қилган бўлсам, елгизлик самараси.

4. Адабиётга алоқаси бўлмаган барча нарсаларни қуришга қўзим йўқ, гурун қилиб утириш (ҳатто адабиёт ҳақида) менга зерикарли, меҳмонга бориш зерикарли, туғилганларимнинг қайту ва қувончлари менга улғудай зерикарли. Гап-сузлар менинг барча фикр-уйларимнинг муҳимлиги, жиддийлиги, ҳаққонийлигига пўтур етказди.

5. Қўшилиш, бирикшидан қўққиш.

Бу ажиб дунё



ЭРИ КЎЛИДАГИ МАХЛУҚ

АҚШнинг Огайо штатидаги Эри кўлида содир бўлган воқеа қўпчилиكنи лол этди. Қўринишдан динозаврни эслатувчи даҳшатли маҳлуқ 18 метрли балиқчилик кемасини парчалаб ташлади. У ердаги барча балиқни паққос тушириб, кўздан қўйиб бўлди. Таниқли биолог олим Ричард Клааркининг айтишича, бундан икки йилча бурун Гурон шаҳри яқинидаги кўлда ҳам шунга ўхшаш воқеа содир бўлган.

Ушанда маҳлуқ 12 метрли кичик кемани бўлакларга бўлиб ташлаганди.

